

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ТУРДИБАЕВ АБДУВАЛИ АБДУЖАЛОЛОВИЧ

**ТЕХНИК ЧИГИТДАН ПАХТА МОЙИ ОЛИШНИНГ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОР ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЯСИ**

05.05.07. – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) потехническимнаукам**

**Content of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD) on technical sciences**

| | |
|---|----|
| Турдибаев Абдували Абдужалолович Техник чигитдан пахта мойи олишнинг энергия самарадор электротехнологияси..... | 3 |
| Турдибаев Абдували Абдужалолович Энергоэффективная электротехнология получения хлопкового масла из технических семян..... | 19 |
| Turdibayev Abduvali Abdusalolovich Energy-efficient electrical technology for producing cottonseed oil from technical seeds..... | 37 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works..... | 40 |

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.10.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ТУРДИБАЕВ АБДУВАЛИ АБДУЖАЛОЛОВИЧ

**ТЕХНИК ЧИГИТДАН ПАХТА МОЙИ ОЛИШНИНГ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОР ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЯСИ**

05.05.07. – Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналар

**ТЕХНИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий атестация комиссиясининг В2020.3.PhD/T1836 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, русваинглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раджабов Абдурахман

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсубалиев Аширбой

техника фанлари доктори, профессор

Тоиров Олимжон Зувурович

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 4 декабр соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+998-71)237-09-45; факс: (+998-71)237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақам билан рўйхатга олинган) (100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+998-71)237-09-45; факс: (+998-71)237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «23» ноябр кунини тарқатилди.
(2020 йил «23» ноябр даги № 1 рақамли рејестр баённомаси).



Б.С. Мирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ж. Алижанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент.

Х.М. Муратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (Phd) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда пахта чигитига ишлов бериб мой олиш жараёни учун юқори самарали технология ва техник воситаларни яратиш долзарб ҳисобланмоқда. “Дунё бўйича ҳар йили 23 млн. тонна пахта хом ашёси етиштирилиб, 30-35 фоиз чигит ва ундан 5,5 млн. тоннадан кўпроқ мой олинишини ҳисобга олсак”, чигитдан мой олиш жараёнида энергия тежамкор усуллар ва техник воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш муҳим ўрин эгалайди. Дунё миқёсида пахта мойига бўлган талаб ортиб бораётганлиги сабабли сифатли ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талабни қондириш ва шу билан бир қаторда ёғ-мой ишлаб чиқаришда энергия самарадор замонавий технологиялар ва воситалардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда¹.

Жаҳонда энергия ресурслар нарҳини ошиб бориши, ишлаб чиқариш корхоналарида энергия тежамкорлик масаласи илгари сурилади. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот таннарҳини асосий қисмини энергияга бўлган ҳаражатлар ташкил этиб, у умумий энергия балансида 96% ни ташкил этаётганлиги сабабли уларда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, чигитдан олинаётган мойнинг миқдорини ошириш ва сифатини яхшилаш, технологик йўқотиш ва энергия сарфларини камайтириш учун маҳсулотга электротехнологик усул билан бирламчи ишлов бериш ва уни амалга оширадиган техник воситани ишлаб чиқиш, ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда ёғ-мой маҳсулотларининг бир бирлик миқдорига сарфланаётган нисбий энергия сарфи ривожланган Европа давлатлари, АҚШ ва Японияга нисбатан 3-4 марта катта эканлиги сабабли ёғ-мой ишлаб чиқариш саноатини замонавий юқори самарали ускуналар ва янги энергия самарадор технология билан таъминлашни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш белгиланган. Жумладан, “пахта ва ёғ-мой саноати корхоналарини модернизациялаш ва қайта техник жиҳозлаш, пахта маҳсулотлари, пахта мойи ва ёғ-мой маҳсулотлари сифатини оширишни таъминлайдиган замонавий самарали технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш” муҳим масалалардан бири этиб белгиланган². Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан Республикамизда ёғ-мой ишлаб чиқариш соҳасида

¹<https://www.businesswire.com/news/home/20191015005872/en/World-Cotton-Seyed-Oil-Market-Analysis-Forecast-Size>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли фармони Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

техник чигитдан пахта мойи олишни жадаллаштиришда ва энергия тежамкорликка эришида, замонавий техника ва технологияларни амалиётда қўллаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-№4947-сон “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сон “Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон “Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Техник чигитдан пахта мойи олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича В.Г. Щербаков, А.М. Голдовский, В.М. Копейковский, С.И. Данильчук, Г.И. Гарбузова, Б.Е. Кириевский, П.П. Демченко, В.В. Ключкин, Р.Д. Брайн, С.Р. Грегори, Е. Хернандез, Б.Р. Савой, С.У. Смит, Ж.Т. Котрен, Л.А. Жонес, С.С. Кинг, П.Ж. Ваклийан, П.Ж. Ван каби олимлар томонидан катта ҳажмдаги тадқиқотлар олиб борилган.

Мамлакатимизда техник чигитдан олинадиган пахта мойининг миқдорини ошириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш, ва технологик жараёнларда энергия самарадорликка эришиш бўйича И.И. Мехмонов, Х.Ф. Джураев, Т.Р. Шомурадов, К.Х. Гафуров, Д.Ш. Базарбаева, У.А. Саидмуратов., З. Салимов, З. Сабиров, А.У. Усманов, К.О. Додаев, Х.Ф. Джураев, П.Х. Юлдашев, техник чигитдан олинаётган мой миқдорини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилашда бирламчи электрофизик таъсирлар билан ишлов бериш бўйича А. Усмонов, А.А. Артиков, А.Ф. Сафаров, А.Х. Маматкулов, Қ.П. Серкаева, А. Йўлчиев ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Мазкур тадқиқотларда техник чигитдан пахта мойи олишининг янги усулларини яратиш, чигитга бирламчи механик, кимёвий ва электрофизик таъсирлар билан ишлов бериш, уларнинг оптимал режим ва параметрларини танлаш орқали олинаётган мой миқдори ва сифатини ошириш, энергия самарадорликка эришиш бўйича муайян бир ижобий натижаларга эришилган. Аммо, мазкур тадқиқотларда чигитнинг мойи ажралиб чиқишига қаршилик қилувчи тўқима ва ҳужайраларини электрофизик таъсир этиб парчалаш орқали олинаётган пахта мойи миқдорини ошириш ва энергия самарадорлигига эришиш масалалари ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-9-129-2015 рақамли “Мойли экин маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнларининг энергия самарадор электротехнологиясини яратиш” (2015-2017) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – чигитга электрофизик таъсир этиш орқали пахта мойини олишнинг энергия самарадор электротехнологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

техник чигитдан пахта мойи олишдаги мавжуд технологиялар ва техник воситаларнинг технологик ва энергетик кўрсаткичларини таҳлилий тадқиқ этиш;

турли электрофизик таъсирларни (электр токи, электр майдони, импульсли электр разряди ва бошқаларни) чигитдан пахта мойини олишга таъсирини ўрганиш бўйича дастлабки экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва юқори самарали электрофизик таъсирни аниқлаш;

аниқланган юқори самарали электрофизик таъсирни маҳсулотга ва ундан мой олиш даражасига таъсири бўйича назарий тадқиқотлар олиб бориш;

пахта мойи олишда электр ишлов бериш технологиясини режими ва параметрларини тажрибавий тадқиқ этиш;

техник чигитдан пахта мойи олиш электротехнологиясини ва техник воситасини ишлаб чиқариш шароитида синовлардан ўтказиш ва техник-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти – техник чигитдан мой олишда электр импульсли ишлов бериш жараёни ва уни амалга оширадиган қурилма.

Тадқиқотнинг предмети - техник чигит мағзининг янчилмасига электр ишлов бериш ва мой олиш жараёнининг кечиш қонуниятлари, режим ва параметрларига таъсир этувчи факторлар билан боғлиқлиги.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида электр импульсли ишлов бериш назариясининг замонавий усуллари, чигитга импульсли таъсир этишнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишда тизимли ёндошув услубларига асосланган таҳлил усулидан, тадқиқотни ўтказишда математик таҳлил, эҳтимоллар назарияси, математик статистика, тажрибаларни режалаштириш услубларидан, техник ускуна самарадорлигини аниқлашда синов натижаларини аналитик ҳисоблаш, энергетик ва техник-иқтисодий самарадорликларни баҳолаш услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

техник чигитдан пахта мойи олишда чигит мағзининг янчилмасига электр импульсли ишлов бериб, мой чиқиш миқдорини кўпайтирадиган энергия самарадор электротехнология ишлаб чиқилган;

мой олинадиган чигит янчилмасига электр импульсли ишлов бериш орқали мой чиқиш миқдорини оширадиган электротехнологик жараённинг режимлари аниқланган ва оптимал параметрлари асосланган;

пахта чигитдан мой ишлаб чиқарадиган технологик линия учун электр импульсли ишлов бериш ускунаси ишлаб чиқилган;

электр импульсли ишлов бериш усулида қурилманинг конденсатор сифими ва импульслар сонига боғлиқ ҳолда чигит хужайралари ва тўқималарининг шикастланиш даражаси аниқланган;

чигит янчилмасидан олинадиган мой миқдорини ошириш учун пресслаш жараёнида янчилмага электр импульсли ишлов берадиган қурилма параметрлари ва мой чиқиш миқдори орасидаги боғлиқликлар ҳамда мой олиш технологик жараённинг унумдорлиги, энергия ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

техник чигитдан пахта мойи олишнинг энергия самарадор электротехнологияси ва техник воситаси ишлаб чиқилган;

техник чигитдан пресслаб олинадиган пахта мойи миқдорини 4,5-5% га оширишни таъминлайдиган электр импульсли ишлов беришнинг режим ва параметрлари аниқланган ҳамда янги электротехнологик усулда якуний маҳсулот олишгача бўлган жараёнлардаги энергия сарфини 35% га камайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, изланишларнинг замонавий услуб ва ўлчаш воситаларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилган бўлиб, техник чигит янчилмасига электр импульсли ишлов кўрсаткичларини назарий жиҳатдан асослашда олий математика, электротехника ва биофизика қонунлари ва усулларига амал қилинганлиги, тажриба натижаларига математик статистик усуллари билан ишлов берилганлиги, тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган чигит янчилмасига электр импульсли ишлов бериш қурилмасининг тажриба синовларидаги ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахта мойи олишда чигит янчилмасига дастлабки электр импульсли ишлов бериб, жараёндаги умумий энергия сарфини камайтириш ва мой чиқиш миқдорини ошириш имконини берувчи энергия тежамкор электротехнология ишлаб чиқилганлиги, қурилма параметрлари ва мой чиқиш миқдори орасидаги функционал боғлиқлик ва қонуниятлар аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чигитдан пахта мойи олиш жараёнларига чигит янчилмасига электр импульсли ишлов бериш асосидаги энергия самарадор электр технологияни қўллаш билан олинадиган мой миқдорини 4,5-5% га ошириш, сифат кўрсаткичларини яхшиланиши ва сарфланаётган электр энергиясини 35 % гача камайиши таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Техник чигитдан пахта мойи олишнинг энергия самарадор электротехнологияси бўйича олинган натижалар асосида:

техник чигитдан пахта мойи олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (“Техник чигитдан пахта мойи олиш усули”, №IAP 06223-2020 й.). Натижада чигит мағзининг янчилмасига электр импульсли ишлов бериб, мой олиш миқдорини ошириш ва электр энергияси сарфини камайтириш имконини берадиган технология ва ускуна ишлаб чиқиш имкони яратилган;

чигит мағзининг янчилмасига электр импульсли ишлов бериб, мой олиш технологияси “Ўзёғмойсаноат” уюшмасига қарашли “Тошкент ёғ-мой” АЖ мой экстракция заводида жорий этилган (“Ўзёғмойсаноат” уюшмасининг 2020 йил 6 июлдаги ОЗ/3-755-сонли маълумотномаси). Натижада техник чигитдан пахта мойи олишда мавжуд технологияга нисбатан пресслаш жараёнида олинадиган мой миқдорини 4,5-5% га ошириш имконини берган;

пахта чигитидан мой ишлаб чиқарадиган технологик линия учун электр импульсли ишлов бериш ускунаси “Ўзёғмойсаноат” уюшмасига қарашли “Тошкент ёғ-мой” АЖ мой экстракция заводида жорий этилган (“Ўзёғмойсаноат” уюшмасининг 2020 йил 6 июлдаги ОЗ/3-755-сонли маълумотномаси). Натижада чигитдан мой олиш жараёнида электр энергияси сарфини 35% га камайтириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 3 та республика илмий-анжуманларида муҳокамадан ўтган. Тадқиқот натижалари бўйича 2014, 2015, 2016 йилларда бўлиб ўтган Республика “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” ярмаркасида иштирок этилган. Диплом ва фахрий ёрлиқ билан тақдирланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тарақиёти устивор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва ишончлилиги, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ўсимлик мойи олиш технологияси, техник воситалари ва энергия самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили” деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси доирасида хорижий ва республикамиз олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ва нашр этилган адабий маълумотлар шарҳланган. Жумладан, ўсимлик мойи олишда мавжуд технологиялар ва техник воситалар, ўсимлик мойи ишлаб чиқариш жараёнларининг энергетик кўрсаткичлари таҳлили, техник чигитга ва чигит янчилмасига мой олишдан олдин бирламчи ишлов бериш усуллари ва уларнинг таҳлили, техник чигитдан пахта мойи олиш миқдорини оширишга энг кўп таъсир этувчи электрофизик ишлов бериш усуллари аниқлаш бўйича дастлабки экспериментлар натижалари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Техник чигитга электр импульсли ишлов бериш ва мой олиш технологик жараёнларини назарий тадқиқ этиш” деб номланган иккинчи бобида техник чигит янчилмасидан мойни ажратиб олишга таъсир қилуви омилар ва уларнинг боғлиқлик ифодалари келтирилган.

Ўсимлик маҳсулоти хужайраси шикастланиш даражаси ўзгариши ва электр импульсли ишлов бериш қонунияти орасидаги боғлиқликни аниқлашда электр импульсли ишлов беришнинг асосий омилари (U , C , n) ва материалнинг шикастланиш даражаси S кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликни аниқлаш керак.

А.Х. Вахидов тадқиқотларида ўсимлик материалларига (данакли меваларга) сувда электр импульсли ишлов бериш жараёни тенгламаларини аниқлаган, яъни ўсимлик материалга электр импульсли ишлов беришда шикастланиш даражасини (S) қуйидагича тавсифлаган:

$$S = S_0 e^{\left[\frac{(W_k - W_c)n}{K} \right]} + S_m \left[1 - e^{\left[\frac{(W_k - W_c)n}{K} \right]} \right], \quad (1)$$

Бунда: S_0 ва S_m - ўсимлик материали шикастланиш даражасининг бошланғич ва максимал қиймати; n - импульслар сони, дона; K_i - аввалги импульсга нисбатан кейингисида шикастланиш эффекти камайишини характерловчи коэффициент; W_k - конденсаторда тўпланган энергия; W_c - маҳсулот хажмидан ўтувчи энергия:

$$W_k = \frac{1}{2} \cdot CU^2; \quad (2)$$

$$W_c = \int_0^T \frac{\delta^2(t)}{\gamma_c} dt = \frac{E_0^2 \cdot \gamma_c \cdot T}{2} \left(1 - \frac{1}{e^2} \right), \quad (3)$$

Бунда: δ - электр токининг зичлиги; γ_c - ишлов берилаётган маҳсулотнинг солиштирма электр ўтказувчанлиги; T - доимий разряд вақти.

$$\delta(t) = \delta_0 \cdot e^{-\frac{t}{T}} \quad \text{ва} \quad \delta_0 = E_0 \cdot \gamma_c, \quad (4)$$

Бунда: E_0 - электр майдон кучланганлиги; t - разрядланиш вақти.

(1,2,3) ифодаларни умумлаштирган ҳолда данакли мева маҳсулотларининг хужайрасини шикастланиш даражаси куйидагича ифодалаган:

$$S = S_0 e^{\frac{n}{K}(0,87E_0^2\gamma_c \cdot T - CU^2)} + S_m \left[1 - e^{\frac{n}{K}(0,87E_0^2\gamma_c \cdot T - CU^2)} \right] \quad (5)$$

Бу ифодадан кўриниб турибдики, данакли меваларни қайта ишлашдан олдин электр импульсли ишлов бериш билан хужайраларининг шикастланиш даражаси разряд кучланиши – (U) га, конденсатор сиғими – (C) га, маҳсулотнинг солиштирма электр ўтказувчанлиги – (γ_c) га, электр майдон кучланганлиги – (E_0) га, доимий разряд вақти – (T) га ва импульслар сони – (n) га боғлиқ.

5-ифодадаги E-электр майдон кучланганлиги диэлектр материаллар учун, (U) ишлов берилаётган кучланиш ва (h) электродлар орасидаги масофага боғлиқ:

$$E = \frac{U}{h} \text{ ; } \text{ В/м,} \quad (6)$$

Бунда h - электродлар орасидаги масофа ишлов берилаётган маҳсулот қалинлигига боғлиқ.

Шуларни инобатга олган ҳолда, А.Х. Вахидов томонидан қўлланилган хужайра шикастланиш даражасини аниқловчи 5-ифодани куйидагича ёзишимиз мумкин:

$$S = S_0 e^{\frac{n \cdot f}{K \cdot h}(E_0^2 \gamma_c^* \cdot T - CU^2)} + S_m \left[1 - e^{\frac{n \cdot f}{K \cdot h}(E_0^2 \gamma_c^* \cdot T - CU^2)} \right], \quad (7)$$

бунда S_0 ва S_m - ўсимлик материали шикастланиш даражасининг бошланғич ва максимал қиймати; K_i - аввалги импульсга нисбатан кейингисида шикастланиш эффекти камайишини характерловчи коэффициент, бу импульслар сони ва ишлов берилаётган маҳсулот турига боғлиқ. Чигит мағзи янчилмаси учун K_0 , 35-0,52 оралиғида ўзгариши аниқланган; f - ишлов берилаётган маҳсулотнинг намлик даражаси, %; h - ишлов берилаётган маҳсулот қалинлиги.


Ушбу ифодадан маълумки, чигит мағзи янчилмасидаги мой тутиб турувчи тўқималарни шикастланиш даражаси (U)га, конденсатор сиғими (C) га, импульслар сони (n)га боғлиқ.

Келтирилган назарий ифода чигит мағзи янчилмасидан мой олишдан олдин электр импульсли ишлов беришнинг самарадорлигини характерлайди.

Диссертациянинг **“Техник чигитга электр импульсли ишлов бериш ва мой олиш жараёнлари параметрларини экспериментал тадқиқ этиш”** деб номланган учунчи бобида техник чигит янчилмасидан пресслаб мой олишдан олдин электр импульсли ишлов беришнинг режим ва параметрларини аниқлаш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқот


натижалари келтирилган.

Электр импульс таъсирини ифодаловчи асосий омиллар сифатида қуйидагилар қабул қилинди: разряд кучланиши (U), конденсатор сиғими (C), импульслар сони (n), чигит янчилмасининг намлиги (f) ва ишлов берилаётган маҳсулот қалинлиги (h). Чигит янчилмасига электр импульсли ишлов бериш самарадорлигини баҳолаш ва ишлов берилаётган маҳсулотни характерлаш учун мой тутиб турувчи тўқима ва хужайраларнинг шикастланиш даражаси (S) қабул қилинди.



1-расм. Чигит янчилмасидаги мой тутиб турувчи тўқималарнинг шикастланиш даражасини импульсли разряд кучланишга боғлиқлик графиги ($C=0,8\text{мкФ}$)


Келтирилган графикдаги (1-расм) эгри чизиклар таҳлилидан қуйидагилар аниқланди. Маҳсулотга ишлов берилаётган разряд кучланиши 6 кВ гача ошиши билан чигит янчилмасидаги мой тутиб турувчи тўқималарнинг шикастланиш даражаси ошади. Кучланишни ошишини давом эттирганда шикастланиш эффекти ўзгармайди. Разряд кучланиши 6кВ га етганида чигит янчилмасидаги хужайра тўқималарининг шикастланиш даражаси 80-85% да электр импульсли ишлов беришнинг таъсири тўхтайтиди.



2-расм. Чигит янчилмасидаги мой тутиб турувчи тўқималарнинг шикастланиш даражасини импульслар сонига боғлиқлик графиги ($U=6\text{кВ}$)


Олинган эксперимент натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, маҳсулотга берилаётган импульслар сони ошиши билан хужайранинг шикастланиш даражаси кескин ошиб боради. Импульслар сони 18-20 донадан ошганда шикастланиш даражаси ўзгармас ҳолатга келади. Импульслар сонини 18-20 донадан ошириш шикастланиш даражасига таъсир этмайди ва аксинча ортиқча энергия сарфига олиб келади (2-расм).

Тажрибаларда электр импульсли ишлов беришда конденсатор сиғимини 0,8 мкФ бўлиши чигит янчилмасидаги мой тутиб турувчи хужайра тўқималарини 80-85% гача шикастлаши учун етарли эканлиги аниқланди. Конденсатор сиғимни 0,8 мкФ дан оширилгани билан хужайра тўқималарининг шикастланиш даражаси ўзгармайди (3-расм).




3-расм. Мой тутиб турувчи тўқималарнинг шикастланиш даражасини конденсатор сиғимига бўғлиқлик графиги

Мойли экин маҳсулотларига электр импульсли ишлов беришда ишлов берилаётган янчилма қалинлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўтказилган тажриба натижаларига кўра мой тутиб турувчи тўқима ва хужайранинг шикастланиш даражаси чигит янчилмасининг қалинлиги 9-10 мм бўлганда 80-85% бўлади. Ишлов берилаётган маҳсулот қалинлигининг ортиши шикастланиш даражасининг камайишига олиб келади (4-расм).




4-расм. Шикастланиш даражасини янчилма қалинлигига бўғлиқлик графиги

Тажриба натижалари асосида олинган график эгри чизикларидан шу нарса маълумки, электр импульсли ишлов бериш билан маҳсулот таркибидаги мой тутиб турувчи тўқималарни шикастланиш даражаси янчилма намлиги 9-10% бўлганда энг юқори бўлади. Маҳсулот намлигини 10% дан ошиши тўқима ва хужайраларнинг шикастланиш даражасини камайтиради (5-расм).



5-расм. Мой тутиб турувчи тўқималарнинг шикастланиш даражасини янчилма намлигига боғлиқлик графиги


Ўтказилган тадқиқот натижаларидан шу нарса маълумки, чигит янчилмасига электр импульсли ишлов берилгандан кейин қовуриш ҳарорати 70-75⁰С га етганда мой чиқиши миқдори 17% гача ошади. Бунда 70-75⁰С мойнинг қовушқоқлигини камайтириш учун керак. Кейинги ҳарорат ошиши билан мой чиқиш миқдори ўзгармайди (6-расм).



6-расм. Электр импульсли ишлов берилган янчилмани пресшлаш жараёнида мой чиқшининг ҳароратга боғлиқлик графиги

Амалда қовуриш жараёнида маҳсулотнинг ҳарорати 105-110⁰С га етказилади. Чигит янчилмасини қовуриш ҳароратини камайтириш билан ортиқча сарфланаётган энергияни тежаш имконияти мавжуд.

Олинган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, чигит янчилмасидаги хужайралар ва мой тутиб турувчи тўқималар қанчалик кўп шикастланса мой чиқиш миқдори шунча ошади (7-расм).



7-расм. Электр импульсли ишлов берилган чигит янчилмасини преслаш жараёнида мой чиқишининг шикастланиш даражасига боғлиқлик графиги

Амалдаги технология бўйича чигит мағзини механик ва иссиқлик билан ишлов берилганда маҳсулот таркибидаги мой тутиб турувчи тўқималарни 45-50% атрофида шикастланишига эришилади ва мой чиқиш миқдори 11-12%ни ташкил қилади. Электр импульсли ишлов бериш билан шикастланиш даражасини 80-85% гача етказиш ва шунинг ҳисобига мой чиқиш миқдорини 16-17% гача ошириш мумкин (7-расм).

Чигит мағзи янчилмасига электр импульсли ишлов бериб, мой олиш жараёнини ифодаловчи математик модели қуйидаги кўринишда олинди.

$$S = 35,78 + 1,6 \cdot U^2 + 1,03 \cdot n^2 + 35,55 \cdot C^2 + 2,15 \cdot f^2 + 1,78 \cdot h^2 - 2,84 \cdot U - 3,84 \cdot n - 297,7 \cdot C - 9,92 \cdot f + 0,04 \cdot U \cdot n - 3,82 \cdot U \cdot C - 0,11 \cdot U \cdot f - 0,01 \cdot U \cdot h + 2,39 \cdot n \cdot C + 0,07 \cdot n \cdot f + 0,08 \cdot n \cdot h - 2,8 \cdot C \cdot f + 2,75 \cdot C \cdot h + 0,03 \cdot f \cdot h \quad (8)$$

Математик моделнинг регрессион ва дисперсион таҳлиллари асосида барча коэффицентлари аҳамиятга эга ва математик модель жараёни адекватлик билан ифодаланади.

Эксперимент натижалари асосида техник чигитдан мой олиш чигит янчилмасига электр ишлов бериб, мой тутиб турувчи тўқималарнинг шикастланиши даражасининг ($S_{\text{опт}}$) қуйидаги оптимал параметрлари аниқланди; янчилмага ишлов бериладиган разряд кучланиши 6 кВ, импульслар сони 18 та, конденсатор сиғими 0,8мкФ, янчилманинг намлиги 9%; ишлов бериладиган янчилма қалинлиги 10 мм бўлганда мой олиш миқдорини ошишига ва энергия тежалишига имкон беради.

Диссертациянинг “Техник чигитдан мой олиш электротехнологиясини ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказиш ва энергия

самарадорлигини баҳолаш” деб номланган тўртинчи бобда яратилган техник чигитдан пахта мойи олиш электротехнологиясини амалиётга жорий этиш бўйича маълумотлар ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган.

Юқорида келтириб ўтилган, лаборатория шароитида олинган натижалар асосида техник чигитдан пахта мойи олишда электр импульсли ишлов бериш қурилмасини лойиҳалашга техник топшириқ ишлаб чиқилган.

“Тошкент ёғ-мой” комбинати АЖ мой экстракция заводида ишлаб чиқариш шароитида электр импульсли ишлов бериш билан техник чигитдан пахта мойи олишнинг технологик режим ва параметрларини текшириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Ишлаб чиқариш шароитида тажрибаларни ўтказиш учун техник чигитнинг таркибий кўрсаткичлари Тошкент ёғ-мой комбинати марказий лабораториясида таҳлил қилинди.

1-жадвалдан кўришиб турибдики, электр импульсли ишлов берилган чигит янчилмасидан пресслаб мой олингандан кейин кунжара таркибидаги қолдиқ мой 3-4% ни ташкил қилмоқда. Бу пресслаш жараёнида амалдаги технологияга нисбатан 4.5-5% кўпроқ мойни ажратиб олиш имконини яратади.

Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган синовлар асосида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқаришнинг мавжуд технологияси ва чигит янчилмасига пресслашдан олдин электр импульсли ишлов бериш электротехнологиясини қўллаш орқали ҳисобланди.

1-жадвал

Техник чигит янчилмасига электр импульсли ишлов берилганда мой олиш жараёнига таъсири

| № т/р | Сана | Ишлов бериладиган маҳсулот кўрсаткичлари | | Электр импульс параметрлари | | Олинган маҳсулот кўрсаткичи | | Мойнинг умумий чиқиш микдори, % |
|------------------------------------|------|--|--------------------|-----------------------------|---------------------------|-----------------------------|---------------------------------|---------------------------------|
| | | Минерал ва органик аралашмалар, % | Янчилма намлиги, % | Кучлан иш, кВ | Ишлов бериш муддати, сек. | Чигитнинг мойлиги и, % | Кунжарада қолган мой микдори, % | |
| Ўзанинг “Султон” навининг чигити | | | | | | | | |
| 1 | II | 1,195 | 8.5 | 6 | 12 | 20.5 | 3.362 | 17.138 |
| 2 | III | 1,324 | 9.2 | 6 | 13 | 17.3 | 3.148 | 14.152 |
| 3 | IV | 1,953 | 9.7 | 6 | 15 | 16.1 | 3.484 | 12.616 |
| Ўзанинг “Порлоқ” навининг чигити | | | | | | | | |
| 1 | II | 1,143 | 8.4 | 6 | 12 | 21.1 | 3.244 | 17.865 |
| 2 | III | 1,531 | 8.8 | 6 | 13 | 18.6 | 3.39 | 15.21 |
| 3 | IV | 2,013 | 9.1 | 6 | 15 | 16.7 | 4.785 | 11.915 |
| Ўзанинг “Наманган” навининг чигити | | | | | | | | |
| 1 | II | 1,155 | 8.7 | 6 | 12 | 20.1 | 3.176 | 16.924 |
| 2 | III | 1,629 | 9.1 | 6 | 13 | 18.4 | 3.529 | 14.871 |
| 3 | IV | 1,983 | 9.5 | 6 | 15 | 15.9 | 4.057 | 11.843 |
| Ўзанинг “С65-24” навининг чигити | | | | | | | | |
| 1 | II | 1,301 | 8.5 | 6 | 12 | 21.0 | 3.105 | 17.895 |
| 2 | III | 1,714 | 8.7 | 6 | 13 | 19.2 | 2.97 | 16.23 |
| 3 | IV | 2,473 | 9.3 | 6 | 15 | 17.2 | 2.873 | 14.327 |

Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган синовлар асосида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқаришнинг мавжуд технологияси ва чигит янчилмасига пресслашдан олдин электр импульсли ишлов бериш электротехнологиясини қўллаш орқали ҳисобланди.

1 тонна мой олиш учун амалдаги технология ва таклиф этилаётган технология бўйича умумий солиштирма электр энергияси сарфи аниқланди.

$$W_{\text{ум}1} = W_{\text{тозалаш1}} + W_{\text{намлаш1}} + W_{\text{чакиш1}} + W_{\text{сепарация1}} + W_{\text{янчил1}} + W_{\text{ум.ков.1}} + W_{\text{пресс1}} + W_{\text{ков1}} = 34,27 + 42,50 + 82,5 + 46,59 + 62,6 + 48,19 + 97,3 + 56,47 = 470,42 \frac{\text{кВт} \cdot \text{с}}{\text{т}}$$

$$W_{\text{ум}2} = W_{\text{тозалаш2}} + W_{\text{намлаш2}} + W_{\text{чакиш2}} + W_{\text{сепарация2}} + W_{\text{янчил2}} + W_{\text{ум.ков.2}} + W_{\text{пресс2}} + W_{\text{ков2}} = 24,19 + 30 + 58,23 + 32,89 + 15 + 34,63 + 69,93 + 40,59 = 305,46 \frac{\text{кВт} \cdot \text{с}}{\text{т}}$$

Амалдаги ва таклиф этилаётган технология бўйича 1 тонна тозаланмаган пахта мойи олиш учун солиштирма электр энергия сарфларининг фарқи

$$\Delta W = W_1 - W_2 = 470,42 - 305,46 = 164,96 \frac{\text{кВт} \cdot \text{с}}{\text{т}}$$

Техник чигит янчилмасига электр импульсли ишлов бериш орқали 1 тонна тозаланмаган пахта мойи олиш учун солиштирма электр энергияси сарфи 35% тежалади, чигитдан олинаётган мой миқдори 4,5-5% га ошади.

Тошкент ёғ-мой комбинати АЖ корхонасининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 94,5 минг тонна. Чигит янчилмасига электр импульсли ишлов бериш билан ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланилаётган амалдаги технологияга нисбатан пресслаб мой олиш жараёнида 1 тонна чигитдан қўшимча 50кг мой олинади.

Пахта мойи олишда чигит янчилмасига электр импульсли ишлов бериш билан олинadиган 1 тонна пахта мойи олишда 169,96 кВт·соат электр энергияси тежалса, бир йилик ишлаб чиқариш қувватига боғлиқ ҳолда 2730407,4 кВт·с электр энергияси тежалади. Электр энергиясини бугунги кундаги тариф бўйича нархи (450сўм) лигини инобатга олсак, 1228683330 сўм тежалади.

Техник-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлилига кўра пахта мойи олишда таклиф этилаётган электр импульсли ишлов бериш электротехнологиясини амалиётга қўллаб сарфланадиган электр энергиясини 35% га камайтириш билан 1228683330 сўм тежалади. Бу олинган фойдадан электр импульс курилмасин нархи 23000000 сўмни айирсак, кутилаётган йиллик иқтисодий самарадорлик 1205683330 сўмни ташкил қилади.

ХУЛОСА

“Техник чигитдан пахта мойи олишнинг энергия самарадор электротехнологияси” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар

тақдим этилди:

1. Техник чигитдан пахта мойи олиш технологиялари ва техник воситалар конструкциясининг ҳолати ва ривожланиш истиқболи ҳамда уларнинг технологик иш жараёнларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар чигитдан пахта мойи олишда қўлланилаётган технологияни такомиллаштириш ва уни амалга оширишда қўлланиладиган ускунани ишлаб чиқиш имконини яратди.

2. Техник чигитдан пахта мойи олиш жараёнида чигит янчилмасига электр импульсли ишлов бериш бошқа электрофизик таъсирларга нисбатан чигит тўқимаси ва хужайраларини шикастланиш даражасини анча ошириш имконини берди.

3. Чигит янчилмасига электр импульсли ишлов беришда разряд кучланиши, конденсатор сиғими, импульслар сони, маҳсулот намлиги ва ишлов бериладиган маҳсулот қалинлигининг мақбул қийматларида чигит тўқималари ва хужайраларини етарли шикастланишига эришиш мумкинлиги аниқланди.

4. Техник чигитдан мой олишда чигит янчилмасига электр ишлов бериб, мой тутиб турувчи тўқималарининг юқори шикастланиш даражасига разряд кучланиши 6 кВ, импульслар сони 18 та, конденсатор сиғими 0,8мкФ, янчилманинг намлиги 9% ва қалинлиги 10 мм бўлганда эришилади.

5. Янчилмага электр импульсли ишлов берилганда маҳсулотдаги мой тутиб турувчи тўқималарнинг максимал даражада шикастланиши кейинги ковуриш жараёнида берилётган 100-105⁰С ҳароратни 70-75⁰С га тушириш билан олинаётган мой миқдорига нисбатан энергия сарфини камайтиришни таъминлайди.

6. Техник чигитдан пахта мойи олиш технологияси ва уни амалга ошириш учун яратилган қурилмани ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилганда мавжуд технологияга нисбатан мой олишни 4,5-5 % га кўпайтириш, пахта мойи ишлаб чиқариш учун сарфланадиган электр энергиясини 35 % гача камайтириш ва 1205683330 сўм иқтисодий самара олишга имкон берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.DSc.03/30.12.2019.Т.10.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

Турдибаев Абдували Абдужалолович

**ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНАЯ ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ
ХЛОПКОВОГО МАСЛА ИЗ ТЕХНИЧЕСКИХ СЕМЯН**

05.05.07 – «Электротехнологии и электрооборудование в сельском хозяйстве»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.3.PhD/T1836.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета по адресу www.tiame.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Раджабов Абдурахмон

доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Юсубалиев Аширбой

доктор технических наук, профессор

Тоиров Олимжон Зувурович

доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский институт химических технологий

Защита диссертации состоится «4» декабрь 2020 г. в 13⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.10.01 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрционный номер _____). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары Ниязи, 39. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «23» ноябрь 2020 года.
(протокол рассылки № 1 от «23» ноябрь 2020 г).



Б.С.Мирзаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней доктора наук, д.т.н., профессор

Ж. Алиджанов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.т.н., доцент

Х.М.Муратов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней доктора наук, д.т.н., профессор

Введение (Аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Проблема создания энергоэффективной электротехнологии технических средств для получения хлопкового масла из технических семян по всему миру остается актуальной. Если учесть, что “Ежегодно в мире выращивается 23 млн. тонн хлопкового сырья, и из него получают 30-35 процентов семян хлопка из него получают более 5,5 млн. тонн хлопкового масла”, разработка и внедрение энергоэффективных технологий и технических средств получения хлопкового масла из технических семян является важным узлом переработки хлопка сырца. Так как на мировом уровне растет потребность к хлопковому маслу, для удовлетворения спроса на качественную продукцию растительного сырья уделяется должное внимание на использование современных энергоэффективных технологий и технических средств в технологических процессах масло-жир производства¹.

Во всем мире повсеместный рост цен на энергоресурсы выдвигает вопросы энергосбережения в производственных предприятиях. В предприятиях масло-жир производства основную долю себестоимости продукции занимают расходы на энергию, и в общем энергобалансе занимают до 96%. Вследствие чего, важное место занимают научно-исследовательские работы по совершенствованию технологий производства продукции, повышению качества и выхода масел из хлопковых семян, предварительная обработка семян электротехнологическими способами для снижения технологических потерь продукции и расхода энергии, также совершенствование технических средств для реализации новых технологий. Так как относительный расход энергии на производство единицы продукции масло-жир производства в нашей Республике в 3-4 раза больше, чем в развитых странах Европы, США и Японии, в масло-жир комбинатах реализуются широкомасштабные мероприятия по оснащению производства современными высокоэффективными оборудованием и энергосберегающими технологиями. В стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям в 2017-2021 годах отмечены вопросы укрепления продовольственной безопасности страны и производство экологически чистой продукции. В том числе модернизация и техническое переоборудование промышленных предприятий переработки хлопка и масло-жир производства, установлены как один из важных вопросов внедрения современных энергоэффективных технологий и разработок, обеспечивающие повышение качества продукции из хлопка, хлопкового масла и продукции масло-жир производства². Один из важных вопросов в реализации этих задач в Республике является ускорение

¹ <https://www.businesswire.com/news/home/20191015005872/en/World-Cotton-Seyed-Oil-Market-Analysis-Forecast-Size>

² Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» Сборник законодательного документа Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70

производства хлопкового масла из технических семян и достижение энергоэффективности, практическое применение современных методов и технологий.

Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года под номером ПФ-4947 “О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годы” и Решения Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2017 года под номером ПК-3238 “О мерах по дальнейшему внедрению энергоэффективной и энергосберегающей технологий” и от 16 января 2019 года под номером ПК-4118 “О дополнительных мерах по дальнейшему развитию отрасли масло-жир производства и создание рыночного механизма управления сферы”, а также задачи, намеченные в материалах других нормативно-правовых документов касающихся этим действиям, явились основой для формирования задач и выполнения диссертации по этой тематике.

Связь исследований с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики. Исследования выполнены в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение»

Уровень изученности проблемы. По совершенствованию технологии получения хлопкового масла из технических семян выполнен большой объем исследовательских работ учеными, такими как В.Г.Щербаков, А.М.Голдовский, В.М.Копейковский, С.И.Данильчук, Г.И.Гарбузова, Б.Е.Кириевский, П. П. Демченко, В. В. Ключкин, Р.Д. Ё Брайн, С.Р. Грегори, Е. Хернандез, Б.Р. Савой, С.У. Смит, Ж.Т. Котрен, Л.А. Жонес, С.С. Кинг, П.Ж. Ваклийан, П.Ж. Ван и другие.

В нашей республике также выполнены исследования по повышению выхода получаемого масла из технических семян хлопка, по улучшению показателей качества продукции и по повышению энергоэффективности технологического процесса, такими учеными как И.И. Мехмонов, Х.Ф. Джураев, Т.Р. Шомурадов, К.Х. Гафуров, Д.Ш. Базарбаева, У.А. Саидмуратов., З. Салимов, З.Сабиров, А.У. Усманов, К.О.Додаев, Х. Ф.Джураев, П.Х. Юлдашев. Исследования по использованию методов предварительной обработки сырья электрофизическим воздействием для увеличения выхода масла получаемого из технических семян и повышения качества продукции выполнены такими учеными как А.Усмонов, А. А. Артиков, А.Ф. Сафаров, А.Х. Маматкулов, Қ.П. Серкаева, А. Йўлчиевлар и другими авторами.

